



Тошкент Оқшоми

2015 йил 15 июль, Чоршанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 144 (12.957)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат айёми бўлиш муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инobatга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармони мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2015 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 18 июль шанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини эътиборга олиб, 2015 йил 18 июль дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтказиш учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 14 июль



Ислом Исмоилов олган суратлар

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ИЗЛАНУВЧАН ЁШЛАР МАСКАНИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги «Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган «Баркамол авлод» болалар бадий ижодиёт марказлари ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълим олишнинг таъминлаш, уларга қўшимча таълим-тарбия бериш, қизиқиш ва эҳтиёжларига мувофиқ касб-хунарга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудда фаолият юритаётган болалар бадий ижодиёт марказларидаги «Кулолчилик», «Дурадорлик», «Ёш мусаввир», «Майда пластика», «Моҳир қўллар», «Юмшоқ ўйинчоқлар»,

«Либослар дизайни», «Ёш архитектор», «Ёш пазанда», «Компьютер графикаси ва дизайн», «Ракетамодель» каби тўғарақларга 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган юз мингга яқин ўғил-қиз жалб этилган.

Бадий ижодиёт, техник, ўлкашунослик ва экология йўналишларидаги тўғарақлар иштирокчилари изланувчанлиги ва ташаббускорлиги туфайли қатор танлов ва фестивалларда ғолибликни қўлга киритмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига пойтахтимиздаги «Баркамол авлод» республика болалар бадий ижодиёт маркази раҳбари Зокир Товбоев. — Ўғил-қизларнинг «Космик макетлаштириш ва моделлаштириш» республика очик кўрик-танлови, «Ёш ижодкор», «Миллий рақслар», «На-

фосат олами» сингари танловлардаги иштироки марказга қатновчилар сафи янада кенгайишига таъсир кўрсатди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ марказда «Инглиз тили» тўғраги фаолияти йўлга қўйилган.

Мазкур марказ тўғарақларида ўз билимини мустаҳкамлаётган, ҳунар ўрганаётган ўқувчилар ўртасида мунтазам ташкил этиладиган танловлар уларнинг ижодий қобилиятини, техник ижодкорлигини ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Ёш авлоднинг юртимиз тарихи, археологик ва маданий меросини ўрганиши учун кенг имкониятлар яратили, экология ва атроф-муҳит соҳасидаги билимини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Барно МЕЛИКУЛОВА

Пойтахтимизда «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жойларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда аҳоли фаоллигини кучайтириш» мавзусида семинар ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОFAZACI VA ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимида ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда депутатлар, эколог мутахассислар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, журналистлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда атроф-муҳит мустаҳкамлашнинг таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонунда экологик назоратни амалга ошириш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги мониторинги соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли белгиланган. Қонунга мувофиқ давлат ташкилотлари билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар экологик назорат жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Шу асосда олиб борилаётган ишлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги мавжуд муаммолар ечимини топиш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда экологик назорат соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, атроф-муҳит муҳофазаси борасида қонун талаблари бажарилиши ва ушбу йўналишдаги давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари атрофлича муҳофаза этилди.

Н.НАСРИЕВ

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори илм-фанда ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Илмий-тадқиқот муассасаларида олимлар билан бирга ҳар томонлама пухта билимга эга ёш тадқиқотчилар ҳам кенг қамровли изланишларни олиб бормоқда. Улар томонидан эришилаётган фундаментал илмий-техник ва инновацион ишланмаларни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимини янги босқичга кўтариш, илм-фаннинг юксак интеллектуал салоҳияти асосида инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни барқарор ривожлантириш мақсадида кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга оид давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда республика академик илм-фани ва олий таълимнинг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Математика институти, Фалсафий тадқиқотлар ўқув-илмий комплекси, Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузурида Тармоқ машинашўнослиги муаммолари илмий-тадқиқот маркази, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ кўлэмалари маркази ташкил этилди. Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қарши давлат университетлари базасида илмий марказлар фаолият бошлади. Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошида Ўзбекистон иқтисодиётини ривож-

лантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

Ҳозирги кунда ушбу марказларда давлат илмий техник дастурлари доирасида умумий қиймати 5,02 миллиард сўмлик 46 лойиҳа бўйича илмий иш қилинаётган. Ёш олимлар томонидан олинган муҳим фундаментал натижалар ишлаб чиқарувчилар ҳамда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркалари амалий тадқиқотчилари ишлаб чиқаришга жорий этиш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги яқин ҳамкорлиқни таъминлашнинг муҳим механизмларидан бирига айланди.

Жорий йилги VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида олий таълим тизими тадқиқотчилари томонидан саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари ва илм-фан каби йўналишлар бўйича 264 лойиҳа тақдим этилди. Ярмарка доирасида жами уч юздан ортқ умумий қиймати 10,434 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Бу ярмарка доирасида тузилган барча шартномаларнинг 39,8 фоизини ташкил этди.

Анжуманда илмий-тадқиқот марказлари ва институтлари томонидан эришилаётган ютуқлар ва инновацион ишланмалар хусусида журналистлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтарилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон табиётининг педатрия

тизими, ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши

томонидан тумандаги 128-умумтаълим мактаби қошидаги ёзги соғломлаштириш майдончаси тарбияланувчилари учун «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Кўча

кино» тадбири ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Яшнобод туманидаги «Янги давр» маҳалласида «Кўча спорт ўйинлари» тадбири бўлиб ўтади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарёда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш ҳамда уларнинг устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• Наманганда муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тайёрлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига услубий ёрдам ҳамда ахборот-маслаҳат бериш, уларнинг давлат гранти танловлари тўғрисидаги хабардорлигини оширишга бағишланган семинар ўтказилди.

• Бухоро шаҳар иқтисодиёт ва банк касб-хунар коллежини олтига йўналиши бўйича битирган 470 нафар ёш мутахассисга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

• Навоийда имконияти чекланган болалар ўртасида «Мафтункор ранглар дунёси» кўрик-танловининг вилоят босқичи ташкил этилди. Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Бадий академиясининг вилоят бўлимлари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда 25 нафар ёш иштирок этди.

• Фарғонада «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида китоб байрами бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги нашриётлар томонидан чоп этилган турли мавзулардаги китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Япониянинг жанубий қисмидаги Кюсю оролида 5,7 балга тенг кучлианишдаги ер силқиниши рўй берди. Табиий офат чоғида юз берган кўчкилар туфайли маҳаллий трассада ҳаракат тўхтаб қолди, камида уч киши жиддий тан жароҳати олди. Энг муҳими, кучли зилзила оқибатида ушбу ҳудудда жойлашган «Иката» атом станциясига зарар етмаган.

• Одатдаги икки ой ўрнига беш ойдан буён ҳукм сураётган жазирама иссиқ ҳарорат нафақат гуруч этилган далааларни сугоришга сувнинг етишмаслигига сабаб бўлиши, балки Таиланд пойтахти Бангкок шаҳридаги ҳаётнинг бир маромда кечишига салбий таъсир этиши ҳам мумкин. Зеро, бундан буён ёмғир ёғадиган бўлганда ҳам Бангкокдаги ичимлик суви таъминоти тизимидаги сув захиралари атиги бир ойга етади.

• АҚШнинг Иллинойс университети профессори Раван Мехта бошчилигидаги олимлар гуруҳи томонидан шовқиннинг инсон саломатлигига таъсири илмий кузатувлар асосида ўрганиб чиқилди. Натижада 70 децибелгача бўлган турли товуш ва шовқинларнинг инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги маълум бўлди. Тадқиқотда айтилишича, паст частотали мусиқа товушлари миянинг ишлаш қобилиятини ошириш кучига эга экан. Бунда фақат товуш кучи 70 децибелдан ошмаслиги керак. Таъкидлаш жоизки, 70 децибел кўчада ҳаракатланаётган автомобиль шовқини кучига тенг.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида «Коммунал хизмат ва ободонлаштириш ҳамда санитария ва ветеринария қондаларини, шунингдек, шаҳарсозлик ва паспорт тизимига оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни таъминлашда нazorат органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг масъулиятини янада ошириш тўғрисида»ги 107-ф-сонли қўшма фармойиш қабул қилинди.

Унда пойтахтимизнинг янада гўзал ва мафтункорлиги, оёсайишлилиги ва ободлиги йўлида ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўиши, шунингдек, ҳукумат томонидан бу борада қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига сўзсиз риоя қилиниши, озодлик ва тартибни сақлаш, қўаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини янада яхшилаш, ҳар бир бино, иншоот ва уй-жойларни талаб даражасида сақлаш олдимида турган устувор вазифалардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан масъул идора ходимларининг шаҳар ҳудудини ободонлаштириш ва қўаламзорлаштириш ҳамда санитар аҳволини яхшилаш борасида тегишли чораларни жонлантериши, туман ҳокимликлари томонидан бу борада мунтазам мониторинглар ўтказиб борилиши лозимлиги қайд этилди.

Жумладан, фуқароларнинг мулкани, давлат ва жамоат тартибини ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида туман Ички ишлар бошқармаларига Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаларида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлашга ва унинг олдини олишга қаратилган ишларни жадаллаштириш юкланди.

Туман Давлат солиқ инспекцияларига фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни, турар ёки нотурар жойни (офисни) ижарага беришнинг барча ҳолатларида белгиланган тартибда шартномаларнинг тузилиши ва давлат бюджетига солиқларнинг тўлалигини таъминлаш, Давлат солиқ идоралари ходимларига Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 159-1-моддаси (фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқлашига риоя қилмаслик) бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан қатъиятлиликл билан кескин чоралар қўриб, бу борада ИИБ ва маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш вазифаси топширилди.

Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари ҳамда ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг эътибори якка тартибдаги уй-жой массивларида фуқаролар томонидан амалдаги ва лойиҳадаги йўллар устини, муҳандислик иншоотларининг муҳофаза ҳудудларини, уй-жойлар атрофидаги бўш ер майдонларини ўзбошимча эгаллаш, туташ ва бошқа ер майдонларида ўзбошимчаллик билан ҳар хил турдаги қурилмаларни қуриш, фуқаролар томонидан кўп қаватли турар жойлардаги хонадонларни ва ёрдамчи хоналарни белгиланган тартибларга зид равишда реконструкция қилиш, хонадон параметрларига ўзгартиришлар киритиш ва бошқа ҳолатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган ишларда ходимларнинг масъулиятини янада оширишга қаратилди.

Тошкент шаҳар Давлат-архитектура назорати инспекциясига шаҳарсозлик фаолиятининг барча субъектлари томонидан архитектура-шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ҳамда стандартлари аҳоли ҳаёт ва фаолият муҳити сифатининг асосий кўрсаткичларини, ижтимоий-иқтисодий, табиий-иқлимий ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ўзлаштириш, аҳоли пунктларини режалаш ва қуриш борасида қўйиладиган санитария-гигиена талабларини, техникавий талаб-

ларни, фойдаланишга оид, ёнгиндан сақлашга қаратилган ва бошқа талабларнинг сўзсиз ижро этилиши юзасидан тегишли назоратни кучайтириш, қонун ҳужжатларини бузган шахсларга нисбатан қонуний чора қўриб борилишини таъминлаш вазифалари юкланди.

Туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокорларига атроф-муҳитни соғломлаштириш, овқатланишни, меҳнат, турмуш, дам олиш, таълим-тарбия бериш шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши ташкилий тадбирлар мажмуини амалга ошириш асосида фуқароларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳуқуқларини кафолатлаб, халқ ҳўжалиги объектлари, технология ускуналарини ва асбобларини, транспорт воситаларини ривожлантириш, жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш чоғида атроф-муҳит омиллари аҳоли саломатлигига зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олишга қаратилган фаолиятининг устуворлиги таъминлаш ҳамда профилактика қилиш йўллари билан аҳолининг санитария маданияти да-

ШАҲРИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ ВА ОБОДЛИГИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

ражасини оширишга эришилиши қайд этилди.

Шунингдек, давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан давлат санитария назоратининг қатъиятлиликл билан амалга оширилиши белгиланган қўйилди.

Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармасининг туман бўлими раҳбарларига давлат ветеринария бўлими ходимлари ўз ваколатлари доирасида идоравий мансублиги ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолиятида ветеринария-санитария назоратини ҳамда бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни амалга ошириб, Ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўрилиши кўрсатиб ўтилди.

«Ўздаврақобатқўмитаси» Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси зиммасига реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва реклама тарқатувчилар томонидан Тошкент шаҳрида ташқи реклама алоҳида махсус конструкцияларда, тахталаларда, экранларда, биноларда, иншоотларда, йўл чеккаларида, кўча ёриткичларининг таянчларида ўрнатилганида, шаҳар ободончилигига, архитектура ва ташқи кўринишига мос келган ҳолда, кўча ёриткичларининг таянчларида ҳамда кўча ва йўллар қатнов қисми узра жойлаштириш, хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилган ҳолда ва йўл белгилари, светофорлар, чорраҳалар, пиёдаларнинг ўтиш жойлари, умум фойдаланишдаги транспорт воситалари бекатларини тўсиб қўймаган ҳолда ўрнатилганини назоратга олиб, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган махсус лотни реклама қилганлик, реклама тўғрисидаги қонун

ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз вақтида бажармаганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш чораларини қўриш юкланди.

«Ўздавнефтегазинспекция» ҳамда «Ўздавэнегрозорат» инспекциясининг Тошкент шаҳар бўлими, шунингдек, барча туман газ фойдаланиш хизматлари ва электр таъминоти корхоналари раҳбарларига умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчаллик билан улаиш, шунингдек, электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиб каби ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга оширишнинг ташкиллаштирилиши, ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан муросасизлик билдириб, қонуний чоралар қўрилиши таъкидланди.

Туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раисларига ҳудудда тозалик ва озодаликни сақлаш, ободонлаштириш ва қўаламзорлаштириш ишларини янада яхшилаш ҳамда аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган профилактик чоралар қўриб бориш, аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ишларни жадаллаштириб, маҳалла ҳудудида паспорт тизимида риоя қилиш, уй-жойларни қонуний ижарага бериш ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан тарғибот ишларининг янада кучайтирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Жиноят ишлари бўйича туман суди раислари ҳамда Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш Департаменти туман бўлимининг катта суд ижрочиларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва

назорат органлари, шунингдек, бошқа мутасадди идоралар томонидан коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳамда санитария ва ветеринария қоидаларини, шаҳарсозлик ва паспорт тизимига оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун юборилган маъмурий жавобгарлик ҳақидаги ишлар қўриб чиқилиб, қонуний қарорлар қабул қилиниши ва ҳуқуқбузарлардан уларга жазо тариқасида тайинланган жарималарни ўз вақтида ундириш чораларининг қўрилиши белгиланди.

Туман ҳокимлари ва туман прокурорларига тумандаги масъул назорат-текширув идораларининг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлари юзасидан доимий мониторинг олиб бориб, уларга бириктирилган ҳудуднинг санитария аҳволи ва ободонлаштириш ҳолатини инobatга олган ҳолда улар фаолиятига баҳо бериб борилиши, ҳудуддаги назорат-текширув органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва фармойишда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилиб, бу борадаги ишлар юзасидан мунтазам равишда таҳлиллар ўтказилиши таъкидланди.

Барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда бошқа коммунал соҳадаги мутасадди идора раҳбарларига коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳамда санитария ва ветеринария қоидаларини, шунингдек, шаҳарсозлик ва паспорт тизимига оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни таъминлашда ходимларнинг масъулиятини янада ошириб, бу борадаги аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини бунданда кўтаришга эришилиши, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг масъул ходимлари ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий ҳужжатларни расмийлаштиришда ўз хизмат қийимларида бўлишларининг таъминланиши алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Тошкент шаҳридаги турар ва нотурар жой объектлари ҳамда коммунал хизматлар учун тўловларнинг мониторингини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.

ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Унда Тошкент шаҳридаги мавжуд турар ва нотурар жой объектларини ўрганиш, уларда яшаётган шахсларни аниқлаш, рўйхатга олинмаган фуқаролар, айниқса, вояга етмаган болаларни рўйхатдан ўтказиш, аҳоли ички ва ташқи миграциясининг ҳисоби юртилишини кучайтириш, кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни ундириш, газ, электр ва иссиқлик энергияси бўйича қарздорлиқни кескин камайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги «Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 194-сонли қарори ижросини таъминлаш масалалари қамраб олинди.

Жумладан, жорий йилнинг 20 августига турар ва нотурар жой объектларини ўрганиш, уларда яшаётган шахслар сонига аниқлик киритиш ҳамда мавжуд қарздорлиқни камайтириш бўйича мониторинг ўтказилиши белгиланган қўйилди.

Мониторинг ишларини амалга оширишда туман ҳокимликлари, Ички ишлар бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан шаҳар бўлими, «Суво» ДУК, «Тошшаҳаргаз» корхонаси, «Тош-

кент шаҳар электр тармоқлари» корхонаси, «Махсустранс» ИЧБ, «Тошис-сикликкуват» ҳамда Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасига жойларда туман ҳокимининг қарори билан штаблар тузиш, маҳаллаларда жамоатчилик ишчи гуруҳлари шакллантирилишини йўлга қўйиш, барча якка тартибдаги ва кўп қаватли уйларда жойлашган хонадонларни мониторингдан ўтказиш, мониторинг натижасида аниқланган кўрсаткичларни маҳаллаларда жорий этилган уй ва кўча журналларига киритиш ҳамда электрон базани шакллантириш, штаб йиғилишларида жойларда олиб борилаётган ишларни таҳлил этиш, камчиликларни бартараф қилиш, жойлардаги ишчи гуруҳларига услубий ва амалий кўмак бериш ҳамда доимий назорат ўрнатиш, аниқланган ҳолатлар бўйича ҳар сешанба ва жума кунлари шаҳар ишчи гуруҳига ахборот бериб бориш топширилди.

Шунингдек, мониторинг жараёнида аниқланган қарздорлик миқдорини ҳисобга олиш, корхонанинг кўрсаткичи ва тўлов қорозидида тафовутни ўрганиш ҳамда қарздорлиқни ундириш чора-тадбирлари белгиланди.

**Кучли давлатдан —
кучли фуқаролик
jamiyati sari**

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК — ННТЛАР ФАОЛИЯТИ АСОСИ

Пойтахтимизда «Давлат бошқаруви органлари ва фуқаролик jamiyati institutlarining ijtimoiy sherikligi — ННТларнинг дастурлари, жамоат ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларнинг сифатли ва самарали бажарилишининг кафолати» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси А.Каримов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик jamiyati sari» тамойилини амалга оширишда аҳолининг барча қатламлари манфаатини қўллаб-қувватловчи жамоат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик jamiyatining boshqa institutlarining qullab-quvvatlash jamoat fondi va uning mablaglarini boshqarish buniya Parliament komissiyasi faoliyati keng iylga qiyilgani jamoat tashkilotlari uchun demokratik, ochiq hamda manzilli tarzda mablaglarni ajratishi, davlat budjetidan ajratilgan grantlar, subsidiyalar, ijtimoiy buyurtmalar tarzida fuqarolik jamiyati institutlarini qullab-quvvatlash tizimini shakllantirdi.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик jamiyatini rivojlantirish konseptsyasi ННТларнинг faoliyati va vakolati doirasini yana kengaytirdi. Konseptsia doirasida qabul qilingan «Ekologik nazorat turgisida», «Davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari faoliyatining ochikligi turgisida», «Ijtimoiy sheriklik turgisida»gi konunar ekologik nazoratni amalga oshirishda ННТлар, maхalliy hokimiyat organlari va boshqa jamoat tashkilotlari faolligini oshirish, davlat organlari faoliyati haqida jamoatchilik xabaridorligini taъminlash, barча turdagi tashkilotlarning uzaro hamkorligini mustahkamlash imkonini bermokda.

Фуқаролик jamiyati institutlariga kўrsatilaётган etibor natijasida bugun kunda ННТ vakillari mamlatimizda tashkil etilgan qirkdan ortiq respublika idoralararo komissiyalari, kengashlar, ishchi guрухlari tarkibida samarali faoliyat kўrsatmokda. «Keksalarni eъzozlash iйili» Davlat dasturida belgilangan vazifalar ixrosini taъminlashda ham ННТлар faol hissa qўshmokda.

Тадбирда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг mazmun-moҳiyati, fuқarolik jamiyatining boshqa institutlari va ННТларнинг ijtimoiy hamkorlik soҳasidaги hуқуқ va majburiyatlari, davlat ijtimoiy buyurtmalarini taъdim etishi va grant tanlovlari хususida mazlumot berildi.

«Қонунчиликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий давлат дастурларини ишлаб чиқишда ННТларнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги давра суҳбатида жамоатчилик назоратининг аҳамияти ҳақида иштирокчиларга кенг тушунтириш берилиб, соҳага оид қонун лойиҳалари тақдими ўтказилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

КЕЛГУСИДА САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида «Chuo Sangyo Shinko» ассоциацияси ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ўртасида Ёш мутахассисларнинг техник малакасини ошириш бўйича лойиҳани имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда UNO Corporation ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги қоидадаги мослашув ва таълим маркази ўртасида Меморандум ҳам имзоланди.


Таъкидлаб ўтиш жоиз, жорий йилнинг февраль ойидан ҳозирга қадар «Chuo Sangyo Shinko» ассоциацияси вакиллари икки марта юртимизга ташир-ф буюриб, касб-хунар коллежларида ёшларни касбга йўналтириш жараёнида ва қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ҳўжалиги ва тиббиёт соҳаларида фаолият олиб бораётган корхона-ташкilotлар билан танишиш имконига эга бўлди.

Натижада, шу йилнинг октябрь ойида Японияга техник малака ошириш учун илк мутахассислар жўнатилиши бўйича келишувга эришилди. Ўшбу лойиҳа доирасида Тошкентда Техник малака оширувчиларни тайёрлаш маркази ташкил этилиши ва у ерда япон тили, кунчиқар мамлакатда яшаш тарзи ва иш тартиблари бўйича маслаҳатлар берилиши режалаштирилган.

Ўшбу келишувнинг имзоланиши Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик ташкилоти (JITCO) ўртасида қабул қилинган Ёш мутахассисларнинг Японияда техник малака оширишлари оид лойиҳанинг амалиётга татбиқ этилаётганини намойён қилади.

(Ўз мухбиримиз)

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ



Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар прокуратураси томонидан «Коммунал хизмат ва ободонлаштириш, санитария ва ветеринария қондаларини, шунингдек шаҳарсозлик ва паспорт тизимига оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг масъулиятини янада оширишга қаратилган ҳужжатлар тўплами» тайёрланиб, мутасадди ташкилотларга, шаҳар фаолларига ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига тарқатилди.

Ўшбу тўпландан маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятлари ва жазо турлари тўғрисида тушунча, бу борадаги ишларни расмийлаштириш ва уларни қўриб чиқишда амал қилиниши лозим бўлган талаблар, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан кўчирмалар, назорат-текширув органлари фаолияти юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид таҳлилий жадаллар намунаси, мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўчирмалар ўрин олган.

Ўйлаймизки, мазкур тўплам соҳага масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат-текширув органлари ҳамда бошқа мутасадди идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда, улар томонидан қонун билан берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланишда ҳамда фуқароларнинг мулкни, давлат ва жамоат тартибини ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда ўз самарасини беради.



Ушба олин сурат

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

КУРСАНТЛИК ОРЗУСИДА

Мамлакатимизнинг барча олий ҳарбий таълим муассасаларида 10 июль кунини давлат тест синовлари бўлиб ўтди.

Миллий армиямизда мустақиллик йилларида тугилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар хизмат қилмоқда. Шу боис эски қўлим ва меzonлардан қатъий воз кечиб, ўқув-тарбия ишлари ва қўшинларнинг жанговар хизмат фаолиятини ташкил этишининг янги шакл ва методлари яратилмоқда, ҳарбий таълимни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зарур касб қўникмалари ва ташкилотчилик қобилиятига эга, интеллектуал салоҳияти юқори, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга қодир офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши бу борада дастуруламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасаларида тест синовлари 10 июлда ўтказилиб, курсантлик қабул қилинганлар рўйхати 15 июлда эълон қилинмоқда.

Мазкур фармойиш билан олий ҳарбий таълим муассасаларини курсантлар билан тўлдирish сифатини янада яхшилаш учун пухта тайёрланган ёшлар орасидан номзодларни танлаб олиш такомиллаштирилди. Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тест синовларидан ўта олмаганлар бошқа олий ўқув юртиларига ҳужжат топширишга улгурмоқда. Бу келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодга давлатимиз томонидан яратилган катта имкониятлардан биридир.

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидики олий ҳарбий таълим муассасаларида ёшлар ўттизга яқин мутахассислик бўйича таҳсил ол-

моқда. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бир неча мутахассислик бўйича юқори малакали офицерлар тайёрланмоқда. Билим юртидаги замонавий ўқув хоналари, курул-яроғ ва жанговар техника, машғулотлар ўтказиш комплекслари, спорт иншоотлари, ахборот-ресурс маркази ёшларни жисмонан ва маънан етук инсонлар сифатида шакллантиришга хизмат қилмоқда. Малакали профессор-ўқитувчилар тўрт йил давомида уларга касб сирларини ўргатмоқда.

Жорий йилда абитуриентлар сони янада кўпайди. Бу олий ҳарбий таълим муассасасида таҳсил олиб, келажакда офицер сифатида эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилишни истаган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир. Улар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ва шартнома бўйича ҳарбий хизмат қилаётган ёшлар ҳам кам эмас.

Фаргона вилояти Учқўприк туманида тутилган, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Жавлонбек Хусанов ушбу олий ҳарбий таълим муассасасига ҳужжат топширди.

— Муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида қўмондонликнинг тавсияномасини олганман, — дейди Жавлонбек. — Тест синовларига пухта ҳозирлик қўрдим, натижа эътибори олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириб, Ватанимга муносиб хизмат қилиш ниятиданман.

Шу кун Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетидида ҳам тест синовлари ўтказилди. Ундан муваффақиятли ўтган ёшлар алоқа, телекоммуникация ва ахборот технологиялари каби соҳаларда мутахассис бўлиб етишади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ўза мухбири

Инсон саломатлигини сақлаш — бутун дунёда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган долзарб соҳа ҳисобланиб, ушбу тизимга ҳукумат томонидан берилган эътиборнинг салмоғига қараб, қай даражада халқ манфаатлари ҳимоя қилинаётганлигига баҳо бериш мумкин. Дунёнинг талайгина давлатларида оддий аҳоли нафақат ихтисослашган, балки бирламчи тиббий хизматдан ҳам фойдаланиш имконига эга эмаслиги сир эмас, албатта.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган йилларданок, халқ манфаатини таъминлаш ва саломатлигини сақлаш йўлида, кенг қўламдаги ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бўлиши она ва бола саломатлигини сақлаш, психиатрик, наркологик, сил касалликлари, юқумли касалликлари каби онкологик касалликлар тизимида ҳам жуда катта тўл ўзгаришлар юз берди. Яқинда бўлиб ўтган Республика онкологларининг III Конгрессида мамлакатимиз онкология тизимида амалга оширилган ишларга хорик давлатларнинг етакчи олимлари томонидан жуда катта баҳо берилди ва Ўзбекистон онкологлари ассоциацияси раиси профессор С.Наврўзов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги онкологлар ассоциацияси раиси Н.Блохин номидики онкология илмий марказининг энг юксак унвони — «Олтин медал» билан тақдирланди. Ушбу мақолада Республика онкология тизимида олиб борилаётган ишлар ва уларга жаҳон олимларининг эътирофи ҳисобидан батафсилроқ тўхталиб ўтишни мақсад қилдик.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, хавфли ўсмалар билан касалланиш кўрсаткичлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Биргина Европанинг ўзида ҳар йили 3,5 миллион нафарга яқин инсон саратон билан касалланади ва у 1 миллион нафардан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлмоқда. Бу кўрсаткичларнинг айниқса, ишлаб чиқариши ривожланган ва экологик муҳити носоглом бўлган давлатларда янада юқорилигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда юқори самарали ташхислаш ва даволаш усулларининг татбиқ этилиши, бирламчи профилактика ва скрининг текширувларининг қўлланилиши натижасида касалликнинг эрта босқичларида аниқланаётган беморлар сони ортиб бормоқда. Бунинг натижасида ихтисослашган ёрдамнинг самардорлиги ортимоқда ва 5 йиллик яшаш кўрсаткичларининг аввалги 30-35 фоиздан 45-55 фоизгача яхшилланиши кузатишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда онкологик хизматнинг янада ривожланишида муҳим омил бўлди. Ушбу қарор ижроси натижасида онкологик хизмат тизимида тубдан ўзгаришлар юз берди, барча онкология муассасалар қайта қурилди ва реконструкция қилинди. Шу жумладан, Навоий, Сирдарё ва Жиззах онкология диспансерлари қайтадан бунёд бўлиб, замонавий меъёрларга жавоб берадиган ҳолга келтирилди. Фарғона, Навоий ва Жиззах вилоят онкология диспансер-

ларида радиацион иншоотлар меъёрларига тўла жавоб берувчи иморатлар қурилди ва радиология бўлимлари ташкил қилинди. 13 та вилоят онкология диспансерлари тўла таъмирланиб, реконструкция қилинди. Диспансерларни энг замонавий текшириш ва даволаш ускуналари билан босқичма-босқич таъминлаш ишлари режалаштирилган. Бундан ташқари онкология муассасаларининг замонавий радиотерапевтик ва ташхислаш ускуналари билан янада кўпроқ жиҳозланиши натижасида юртимиз аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифати сезиларли ошди.

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОНДА ОНКОЛОГИЯ ТИЗИМИ:
ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ДУНЁ
ЭЪТИРОФИДА

Давлат бюджетидан онкология хизматини ривожлантириш учун ажратилаётган маблағлар миқдори икки баробар ошди. Бундан ташқари, соҳага дунёнинг нуфузли мольйивий институтлари ва Ислон тараққиёти банки каби халқаро банкларнинг инвестициялари жалб қилинмоқда.

Барча онкологик муассасаларда бошқарувнинг вертикал тизими яратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси онкология илмий маркази (РОИМ) тизимнинг бош муассасаси ҳисобланади. Онкология хизматининг барча бўлимлари (вилоят ва шаҳар онкология диспансерлари) фаолиятини такомиллаштириш дастурининг бажарилиши доирасида ягона Миллий стандартлар асосида кенг қўламли скрининг, ташхислаш ва даволаш ишлари олиб боришмоқда. Бундан ташқари, кўрак бези ва бачадон бўйни саратонининг скрининг ишлари ўтказилмоқда. РОИМнинг етакчи мутахассислари соғлиқни сақлашнинг вилоят ва туман бўлимларида чиқишлар қилиб, ўсма олди ва эрта босқичдаги ўсма турларини аниқлаш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Вилот тиббиёт бўлимлари ва тиббий коллеж раҳбарларининг фаол қўллаб-қувватлаши билан канцерогенез, скринингнинг замонавий усуллари, ўсма касалликларини ташхислаш ва даволаш каби онкологининг долзарб муаммолари бўйича маърузалар ва маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Олий ўқув юртилари ва коллеж талабалари, бирламчи бўйин шифокорлари, умумий амалиёт шифокорлари, туман онкологлари ва бошқа соҳа шифокорларининг ушбу тарғибот ва илмий-амалий фаолият ишларига жалб қилиниши натижасида, ўсма касалликларини эрта аниқлаш

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасидаги «Фарзандлик бурчим» лойиҳаси ёшларни катталарга ҳурмат, кексаларни эъзозлаш ва уларга нисбатан меҳр-мурувват руҳида тарбиялаш, ёши улуг инсонлар, меҳнат фронти фахрийлари сабоқларидан ўсиб келаётган авлодни бохабар этишни ўз олдига мақсад қилган.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ
ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

Куни кеча Тошкент шаҳри бўйлаб «Қамолот» фаоллари иштирокида намунавий тарзда «Фарзандлик бурчим» лойиҳасининг тадбирлари ташкил этилди. Лойиҳа доирасида Олмасор туманидаги Беруний, Чилонзор туманидаги «Олмасор», «Бешёғоч», Бектемир туманидаги «Олтинтопан», «Роҳат», Зилола маҳаллаларида истикомат қилувчи 33 нафар ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларининг уйларида ташрифлар уюштирилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, умумтаълим мактабларида мазкур лойиҳа бўйича жами 487 та ёшлар гуруҳлари ташкил этилди. Мазкур гуруҳларга 5142 нафар ёшлар жалб қилинган.

Биз йўл олган Олмасор туманидаги Беруний номли маҳаллада ҳам ушбу тадбир кўтаринки руҳда ўтказилди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир давомида маҳаллада истикомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг ҳолидан хабар олинди, уларнинг кўнгли кўтарилди, Ватан равнақи учун қўсатган фидойиликларидан ёшлар бохабар этилди. Муносиб ҳурмат кўрсатиш халқимизга хос фазилат дея «Қамолот» ЕИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши ходимлари ҳамда Сардорлар Кенгаши аъзолари, маҳалла маслаҳатчилари ҳамжиҳатликда кексаларимизга ҳурмат ва эъзоз кўрсатишди.

Маҳаллада истикомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийси 94 ёшли Эргаш Султонов «ёш йигит-қўзларнинг» ташрифидан мамнун бўлганини яширмади. 5 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб ҳозирда қарилқ гаштини сураётган Эргаш ота ёшларга ҳаётий тажрибалари, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

— Мамлакатимизда кексаларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг адоғи

йўқ, — дейди Беруний маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Иргашева. — Ўсиб келаётган авлодга қарияларимизни ҳар кун эъзозлашимиз муҳимлигини ўқитиб келмоқдамиз. Ёшларга кекса отахон-онахонларнинг ҳаёт йўли, тажрибалари умр йўлларида намуна десак адашмаган бўламиз. Фарзандларимиз пир бадавлат кишиларнинг дуолари билан ўсиб-униб, вояга етади. Маҳалламиздаги Жамоатчилик кенгаши билан биргаликда «Кексаларни эъзозлаш йили»да бир қатор ишлар амалга оширилди ва уларни келгусида давом эттириш режалаштирилган. Туман «Соғлом авлод учун», туман «Нуроний» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан бирга маҳалламиз аҳолисига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келинмоқда.

Тадбир давомида Сардорлар Кенгаши аъзоларининг иқтидорли ёшлари томонидан шеърлар ўқилди. Кексаларимиз уларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан жуда мамнунлиги, давлатимиз, элимизнинг ардоғида ҳаёт кечираётганликлари таъкидлаб ўтишди.

— «Фарзандлик бурчим» лойиҳаси доирасида пир бадавлат, бой ҳаётий тажрибага эга, Ватанимиз тинчлиги учун қурашган кексаларимиз ҳолидан хабар олдик, — дейди Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сон академик лицейининг 1-босқич ўқувчиси, Сардорлар Кенгаши аъзоси Дилёра Асатуллаева. — Юзларидан нур ёғилиб турган кексаларимизнинг уларига борганимиздан жуда мамнунман. Бундай тадбирларни биз, ёшлар учун катта аҳамиятга эга деб ҳисоблайман. Кексаларга бўлган ҳурматимиз орқали, уларни қадрлаш туйғуларимиз янада ошади, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш қанчалар муҳимлигини тушуниб етамиз.

Тадбир сўнгида «Қамолот» ЕИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан кексаларга эсдалик совғалари улашилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ёз — 2015

КИТОБХОНЛАР
ТЎГАРАГИ ГАВЖУМ

Таътил қизгин паллага кирган бўлса-да, Сергели тумани ахборот-ресурс маркази болалар билан гавжум. Китобсевар жажжи ўғил-қизлар маънавият хазинаси бўлмиш китоб билан тинмай сирлашмоқдалар.

Улар «Ёш китобхонлар» тўғараги аъзоларидир. Тўғаракка 300-ДИУ мактаби қошида фаолият кўрсатаётган «Қамалак» ёзги кундузги болалар оромгоҳи қатнашчилари аъзо бўлишган. Тўғаракка ҳар сменада кунига 4 маҳалдан гуруҳлар ташриф бўйоришади. Улар ўз севган асарлари билан тиллашадилар, ўзлари билан бирга дам олаётган тенгдошлари билан баҳслашадилар.

«Ёш китобхонлар» тўғарагида турли мавзуларда тадбирлар ўтказилмоқда. «Эртақлар яхшиликка етаклар» номли овозли ўқиш ўйини, «Сиз Тошкент ҳақида нималарни биласиз?», «Табиятни асранг» мавзuida суҳбатлар, «Ўзбекистон — менинг Ватаним», «Китоб афзалми ёки компьютер?» мавзuida баҳс-мунозара ва тадбирлар ўқувчиларнинг китобга бўлган ҳавасини янада ортирмоқда.

— Болаларнинг китобга бўлган ҳавасини ошириш учун биз асар қаҳрамонлари тимсолини яратмоқдамиз, — дейди тўғарак раҳбари Саида Қаримкулова. — Ҳар бир тўғарак машғулотида янги тимсол яратилади ва у болалар кўз олдида янги кўринишда намоён бўлади. Кейинги машғулотларда эса китобхонларнинг ўқишга бўлган интилиши кучайганлигини сезиш қийин эмас.

Ёш китобхонларнинг китобга бўлган қизиқшини оширишда Нигора Орипжонова, Воҳида Қодирова, Матлуба Эшметова, Азамат Бобоҳўжаевларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Меҳрибон РАВШАНОВА,
Сергели туманидаги 300-ДИУ
мактабининг «Зулфияхоним қизлари»
тўғараги аъзоси

БУНЁДКОР ЁШЛАР
ҲАРАКАТИ

«Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати ёшларнинг бўш вақтларини фойдали меҳнат билан банд қилиш, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ҳамда маҳаллалардаги вақтинча ишсиз ёшларни мамлакатимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларига жалб этиш мақсадида фаолият юритмоқда.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтига қарашли ҳудуддаги қурилиш ва реконструкция ишларида Тошкент Автомобиль-йўллар институтини талабаларидан тузилган «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати гуруҳи фаол иш олиб бормоқда.

— Шаҳримиз ободлиги йўлида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларида қатнашаётганимдан хурсандман, — дейди Тошкент Автомобиль-йўллар институтини автомеханика факультетининг 2-босқич талабаси Муҳаммад Тўхтасинов. — Иш жараёни давомида кўплаб дўстлар ортттирдик. Бу ерда унумли меҳнат қилишимиз, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шaroитлар яратилган.

Ёшлар меҳнат гуруҳларига ёзги таътил ёки вақтинча ишсизлиги даврида ишлаш истагини билдирган 18 ёшга тўлган, жисмонан соғлом меҳнат гуруҳида иштирок этиш учун ариза топширган кўнгилли ёшлар қабул қилинмоқда. Мазкур гуруҳ фаолиятини бошқариш ва йўналтириш мақсадида «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда ҳудудий Кенгашлар қошида бошқарув штаблари ташкил этилган.

— Жорий йилда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатларига 1700 дан зиёд ёшлар мурожаат қилган бўлиб, ҳозирги кунда улар қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш, қишлоқ хўжалиги, педагогик, ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда ташкил этилган 118 та махсус гуруҳларда фаолият олиб бормоқдалар, — дейди «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши бўлими мудири Нарғиза Қаримова. — Меҳнат гуруҳларига иш жараёнида услубий кўрсатмалар бериш, уларни меҳнатга тўғри йўналтириб туриш мақсадида соҳа мутахассислари ҳамда тиббиёт ходимлари бириктирилган. Ёшлар иссиқ оқват ва махсус кийим-бош билан таъминланган. Мавсум давомида маънавий-маърифий, маданий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, ёшлар меҳнат гуруҳлари ўртасида турли танловлар ташкил этиб келинмоқда.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«O'zneftgazqazibchilarish» акциядорлик компаниясининг «Техник таъминлаш ва Butlash Boshqarmasi» Унитар шўба корхонаси «O'zneftgazqazibchilarish» акциядорлик компаниясининг «Техник таъминлаш ва Butlash Boshqarmasi» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди.

Ариза ва эътирозлар 2 ой мобайнида Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 66-йў, 5-кават, 504-хонада қабул қилинади.

Аброрбек ЮСУПБЕКОВ,
Республика онкология илмий
маркази директорининг
илмий ишлар бўйича ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори
Дилшод ЭГАМБЕРДИЕВ,
РОИМ илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоиди

